SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 4-MART ■ SESHANBA ■ 26 (27.046) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Тожикистон Бош вазирининг ташрифи

3 март куни Тошкентда Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилов иштирокида икки мамлакат ҳукуматлари делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш, транспорт алоқасини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат яқин қўшни сифатида қалин алоқаларни йўлга қўйган. Ҳукумат вакилларининг ўзаро учрашувлар уюштириб, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларни биргаликда ҳал этиши, доимий равишда ахборот алмашиб туриши ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга, албатта. Бундай мулоқотлар Ўзбекистон ва Тожикистон президентларининг учрашувларида эришилган стратегик келишувларни ҳаётга жорий этишнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга хизмат қилади. Учрашув қатнашчилари бу анъанани давом эттириш икки томон учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида сув-энергетика соҳасидаги алмашувлар ҳамда иқтисодий ҳамкорликка доир ҳукуматлараро битимларга имзо чекилди.

— Мулоқотлар давомида икки томонлама иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ кўплаб масалалар муҳокама қилинди, — деди Тожикистон Бош вазири журналистларга берган интервьюсида. — Келишувларимиз натижаси ўлароқ имзоланган ҳужжатлар ҳамкорлигимиз самарасини янада оширади, деган умиддамиз. Албатта, икки томонлама интеграцияни кучайтириш учун ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп. Жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарининг бевосита алоқаларини жонлантиришимиз керак. Келгуси мулоқотлар чоғида шу жиҳатга ҳам янада жиддийроқ эътибор қаратиш лозим бўлади.

(ЎзА)

Фермерлик ривожи – тараққиёт омили

Хабар қилинганидек, 28 февраль куни Оқсаройда қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Давлатимиз раҳбари яқинда Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисда ушбу масалани атрофлича таҳлил қилди, соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсия ва хулосалар берди, вазифалар қўйди.

Бу хулосалар, ўз навбатида, аграр соҳада бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципиал жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқишни кўзда тутувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этади, деди Ислом Каримов Оқсаройдаги йиғилишни очар экан.

Йиғилишда ана шундай мақсадларга қаратилган ҳужжат — Президент Фармонининг лойиҳаси кўриб чиқилди.

Юртбошимиз тайёрланаётган Фармон лойиҳасида биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳали-ҳамон мамлакатимиз иқтисодиётида жорий этилаётган ислоҳотларга, бугунги ҳаёт тақозо этаётган ўзгариш ва талабларга амал қилиш йўлида энг оғир, консерватив соҳа бўлиб қолаётганлигининг туб сабаблари ўз ифодасини топиши зарурлигини айтди.

Бундай сабаблардан бири — собиқ жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилгани, яъни шаклан ўзгартирилгани ҳолда, моҳияти, маъно-мазмуни ҳали ҳам эскичалигича қолаётганлигига бориб тақалади. Бу эса ширкат хўжаликларида пайчилик асосида қурилган том маънода янги бошқарув шакли қарор топишини, ерга мутлақо янгича муносабатлар жорий этилишини талаб этади.

Мамлакатимизда бозор хусусиятларига эга барча мулк турларини сўзсиз рағбатлантириш баробарида, келгусида ижара мулки тамойилларига асосланган хўжаликлар ривожига кўпроқ аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Бугуннинг талаби деҳқон ва фермерларга том маънодаги эркинлик бериш, уларнинг фаолиятида бозор ислоҳотларига хос соғлом рақобатни шакллантириш, мулкка эгалик ҳиссини мустаҳкамлаш, қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчиларни хўжалик юритишнинг замонавий услубларига ўргатишдан иборат.

Ўзбекистон ўз тараққиётини фермерлик ривожида кўради ва бу борада дунёнинг илғор мамлакатлари эришган ютуқларга таянади, деди Президентимиз. Фермер хўжаликлари сони ва кўламини ҳудудлардаги шарт-шароит, ҳар бир вилоятда мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш шарт. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Мисол учун, ер майдони кам, аҳолиси эса зич жойлашган Андижон вилояти билан ҳудуди кенг, аҳолиси нисбатан камроқ Қорақалпоғистон Республикасининг фермер хўжаликларини ривожлантириш имкониятлари, табиийки, бири-биридан фарқ қилади.

Ўз навбатида, бу жараён кишиларимизнинг катта қисмини қишлоқ хўжалигидан озод этиб, бошқа тармоқлар, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасига кенг жалб этишга туртки бериши даркор. Барча жабҳаларда дунё андазаларига мослашяпмизми, демак, ривожланган мамлакатларда атиги 7-8 фоиз киши аграр соҳа билан машғул эканини ҳам ҳисобга олайлик, деди Ислом Каримов. Қачонгача аҳолининг 60 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлиб қолаверади?

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг вазифалари ва масъулияти, ўзларига хизмат кўрсатувчи, техника ва ёнилғи, транспорт ва уруғлик, маблағ, кредит каби керакли ресурслар билан таъминлайдиган ташкилотлар, қайта ишловчи корхоналар билан муносабатлари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан янада аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Фермерлар билан бундай корхона ва ташкилотлар ўртасида учинчи томон, яъни ширкат хўжалиги иштирокисиз, мустақил равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш амалиётини қўллаш пайти аллақачон келган.

Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг асосий тамойилларини аниқ белгилаб олиш ва тартибга солиш, бу тизимни ислоҳ қилишнинг тақкилий масалаларига ҳам батафсил тўхталди.

Қишлоқ хўжалигида ва умуман, иқтисодиётимизда ислоҳотнинг оқсаётгани, чала-ярим амалга оширилаётганига аксарият ҳолларда жойларда буйруқбозлик, расмиятчилик, бюрократлик, тадбиркорлар ва фермерларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш каби иллатларнинг ҳали-ҳамон давом этаётгани сабаб бўлмоқда.

Президентнинг уқтиришича, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ этишга қаратилган мазкур ҳужжат — Фармонда «тақиқлансин», «жиддий назоратга олсин» қабилидаги эски тартибга хос чеклашларга ўрин бўлмаслиги даркор. Аксинча, ишлаб чиқарувчига кўпроқ эркинлик бериш, унинг қўл-оёғини боғлаб, мустақил фаолиятига ғов бўлиб турган барча муаммоларни бартараф этиш бу борада муваффақиятни таъминлайдиган бош омиллардандир.

(Давоми 2-бетда.)

Қутқарувчи — шарафли касб

Бундан ропа-роса 7 йил муқаддам, 1996 йилнинг 4 мартида Миллий қутқарув хизмати, яъни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топган эди. Унинг таркибига республика кенг қамровли тезда чора кўриш маркази, шошилинч чора кўриш маркази, қидирув-қутқарув отрядлари, вилоятлардаги авария-қутқарув хизматлари ва сувда қутқариш давлат хизмати киритилган. Ҳозир «050» қутқарув хизмати Тошкентдан ташқари яна саккиз вилоятда фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган қисқа давр мобайнида республикамиз Миллий қутқарув хизматида давлат мулки ва инсон ҳаётини химоялаш ҳамда қутқариш, турли офатлар олдини олиш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Маълумки, биз юқори сейсмик фаоллик минтақасида яшаймиз. Тоғларга яқинлигимиз сел ва кўчкиларни «инъом» этади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хизматининг асосий тамойили — кулфатнинг олдини олиш, одамларга ўзини ва яқинларини хавфхатару офатдан ҳимоялашни ўргатишдан иборат. Барча аҳоли истиқомат жойларида фуқароларни ҳимоялаш ўқув-маслаҳат пунктлари ишлаб турибди.

Миллий қутқарув хизмати жаҳон андозалари даражасида техника билан жиҳозланган. Ўзбек қутқарувчилари хорижда рўй берган табиий офатларни тугатишда ҳам иштирок этмоқдалар. 1999 йили Тошкентда 20 давлат қутқарув хизмати вакиллари иштирокида ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича халқаро анжуман ўтказилди. 2000 йилда эса терроризмга қарши кураш бўйича семинар ҳам бўлиб ўтди. Шу йилнинг апрелида ўтказилиши мўлжалланган «Фарғона — 2003» халқаро машқлари ўзбек миллий қутқарув хизмати юксак обрў-эътиборининг тасдиғи бўлади.

Алишер РЎЗИЕВ

СПОРТ

«Мустақиллик кубоги» — Осиёдаги энг нуфузли турнир

2 март куни пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин ва юнон-рум курашлари бўйича Гран-при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоги» анъанавий халқаро турнири бошланди



Эркин ва юнон-рум курашлари бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири юртимизда илк маротаба бундан етти йил илгари ўтказилганди. Ўтган қисқа вақт мобайнида бу турнир жаҳонда юксак нуфуз ва ўринга эга бўлди. Юқори савияда ташкиллаштирилаётганлиги сабабли Тошкент турнирига номдор курашчиларнинг қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

— Маълумки, шу кунларда Туркия ва Венгрияда ҳам шундай йирик халқаро турнирлар ўтказилаяпти, — дейди АҚШ спорт делегацияси раҳбари Поль Киблиз. — Биз дастлаб Анқара турнирида қатнашишни мўлжаллагандик. Аммо, сўнгги паллада Россия, Грузия, Арманистон, Қозоғистон, Германия, Жанубий Корея сингари кучли терма жамоаларнинг Ўзбекистонга келаётганликларини эшитиб, Тошкентга чипта олдик. «Мустақиллик кубоги»да жамоамиз асосий таркиб билан қатнашмоқда. Улар орасида Сидней олимпиадаси чемпиони Керри Маккой, қитъа ва жаҳон чемпионатлари совриндорлари Эрик Гуэрреро, Хрис Боно, Жо Вильямс сингари таниқли курашчилар бор. Турнирда иштирок этишимиздан асосий мақсад спортчиларимизнинг яқинда бошланадиган Пан Америка ўйинларига тайёргарлигини синовдан ўтказиш ва Тошкентдан албатта совриндор бўлиб қайтишдир.

Турнирда ўн уч давлат вакиллари иштирок этмоқда. Ўзбекистон ва Россия терма жамоалари иккитадан таркиб билан қатнашаяпти. Чунки ҳадемай, 2004 йили Афина (Греция)да ўтадиган олимпиадага йўлланма берувчи муҳим турнирлар ва чемпионатлар бошланади. Масалан, «Мустақиллик кубоги» беллашувлари поёнига етгач, бир ойдан сўнг Россия, Арманистон, Германия, Грузия, Озарбайжон курашчилари Европа чемпионатида иштирок этишади.

Мусобақаларни 25 нафар ҳакам бошқармоқда. Қувонарлиси, уларнинг ўн нафари ҳамюртларимиздир. Турнирга кўплаб фахрий меҳмонлар ташриф буюришган. Улар орасида бир неча карра олимпия чемпиони россиялик Валерий Рязанцев, Осиё халқаро спорт курашлари қўмитаси президенти доктор Ким Чанг Кью каби бир қатор таниқли кишилар бор.

Матбуот конференциясида Ким Чанг Кью бундай деди:

— Бу турнир дунёдаги энг нуфузли беш турнирдан бири ҳисобланади. Осиёда эса унга тенглашадиган турнир йўқ.

Кеча кечқурун «Мустақиллик кубоги» турнирининг айрим вазн тоифалари бўйича ярим финал баҳслари бўлиб ўтди. Унда муваффақият қозонган Дилшод Мансуров (55 кг.), Муҳаммад Гаджилалов(74 кг.)лар эркин кураш, Савриддин Наврўзов (55 кг.), Евгений Ерофайлов (84 кг.), Алексей Чеглаков (96 кг.)лар юнон-рум кураши бўйича финалга йўлланма олишди.

Ғолиб ва совриндорлар бугун аниқланади.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

☆☆☆

Суратларда: *мусобақадан лавҳалар.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар



НАВРЎЗнинг эзгулик уруғлари

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

Юртимиз бўйлаб Наврўз шукуҳи кириб келаётган шу кунларда қорақалпоғистонлик таниқли журналист Рейимбой Ешимбетов билан суҳбатлашиб қолдик.

— Оға, мана, ҳа демай халқимиз Наврўзни ўзининг суюкли байрами сифатида нишонлайди... Унинг обрўсини янада кўтариш, анъаналарини сақлаб қолиш ва бойитиб бериш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз? — сўрадик ундан.

— Байрам — халқники, — гап бошлади устоз. — У халқ руҳида доим акс этиб туриши керак. Наврўзчи ҳиссиз гапсўзлар, шиорбозлик, таҳлилдан холи мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар билан обрўсизлантириб қўймаслик учун ҳар бир инсон, энг аввало, унинг қандай байрам эканлигини, ҳақиқий маъносини кўнглидан ўтказиши керак, деб ўйлайман.

Дарвоқе, бугун, шу суҳбатни эслаяпмизу, анъанага кўра бу галги Наврўз олдидан ҳар йилгидек ўтган ҳафта ҳукуматимиз қабул қилган шу мавзудаги фармойишга эътибор қаратишни жоиз кўрдик. Унда ***2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда республикада санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва «Наврўз» умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш*** *нинг аниқ режалари белгилаб берилди. Республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчилик вакилларининг март ойини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Унга кўра, ойлиқда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва диёримизнинг барча ёшу кексаси фаол иштирок этишлари тадбирлари кўрилди. Хусусан, савдо, умумий овқатланиш объектлари, болалар муассасалари, мактаблар, бозорлар, жамоат транспорти, шунингдек, шаҳар ва қишлоқлардаги ҳамма аҳоли манзилгоҳларининг ичимлик сув таъминоти манбаларида озодалик, сариталик, таъмир ишлари ўтказиб, теваракатрофга кўплаб мевали-манзарали дарахт ниҳоллари ва рангоранг баҳорий гул кўчатлари экиш асосида республикамиз ҳудудида байрамона муҳит яратиш зарурлиги уқтириб ўтилди.*

Шубҳасиз, бу ишларнинг ҳаммаси инсоний эзгуликларга тўла хайрли, савобли ишлар бўлиб, азалий ва дунёвий урф-одатларимиз ҳамда ижобий-иҳодий анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи хусусиятларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш имконини беради. Шу маънода фармойишда ***15 март — Умумхалқ хайрия ҳашари куни,*** *деб белгиланиши ғоят диққатга сазовордир. Бу куни меҳнат жамоалари, идоралар, ташкилотлар ва муассасалардан тушган маблағ республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказилиши —* ***Обод маҳалла йили*** *нинг ободлигига хизмат қилиши муқаррар.*

Ҳа, миллий қадриятларимиз, меҳр-оқибатимиз, эл-юртимиз шаъни учун халқона анъаналарга таянган ҳолда Наврўз аёмини кенг ва муносиб нишонланиши катта тарбиявий, маънавий, маърифий аҳамиятга эга. Бу қутлуғ кунларда, биз, нафақат, жамоаларнинг ҳамжиҳатлигини, балки катталарнинг шаҳсий ибратларини ҳам кўрамиз, кексалардан панду насиҳатлар, дуолар оламиз, хайрли савобли ишларга қўл урамиз... Ёхуд, нафақат, замин бағрига ризқ-насибамиз — экинтикинлар қадаб, дов-дарахтлар ўтқазамиз, балки, онгимизга, шууримизга ҳам эзгулик уруғлари сочамиз...

Байрам — ҳамманики, байрам — халқники!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 4 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	586,29
1 Англия фунт стерлинги	1520,96
1 Дания кронаси	140,27
1 БАА дирхами	263,19
1 АҚШ доллари	966,67
1 Миср фунти	173,39
1 Исландия кронаси	12,46
1 Канада доллари	650,74
1 Хитой юани	116,79
1 Малайзия рингги	254,42
1 Польша злотийси	246,41
1 СДР	1325,16
1000 Туркия лираси	0,60
1 Швейцария франки	712,62
1 ЕВРО	1041,68
10 Жанубий Корея вони	8,10
10 Япония иенаси	81,77
1 Россия рубли	30,62
1 Украина гривнаси	181,21

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ХАЛҚ



Дунёда мантиқсиз ҳеч иш бўлмайди,
Томчи йиғилмаса жом ҳам тўлмайди.
Биз томчи эрурмиз, халқ эса уммон,
Халқ ўлмас, томчи ҳам демак ўлмайди!

Абдулла ОРИПОВ
2003 йил 1март

Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

Фермерлик ривожи – тараққиёт омили

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бошқарувни соддалаштириш, юқоридан туриб ўринсиз кўрсатма ва буйруқлар беришга чек қўйиш мақсадида ҳозирданоқ вазирлик, вилоят, туман даражасидаги раҳбарлар ва мутасаддилар қандай масалалар учун масъул экани аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Хусусан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги энди тақсимловчилик ваколатларидан тўла воз кечиши зарур. Албатта, бу кўпроқ агротехника тадбирлари билан боғлиқ вазифаларга тааллуқли ва сув тақсимоти бундан мустасно.

Вазирликнинг асосий вазифаси, биринчидан, соҳани оқилона мувофиқлаштириш ва бутун эътиборни қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратишдан иборат бўлиши керак.

Иккинчидан, вазирлик соҳа бўйича йирик мутахассислардан ташкил топадиган кенгашлар ишини йўлга қўйиши зарур. Бу кенгашлар қачон, қаерга, нима экиш, қандай шудгор қилиб, қанча суғориш кераклиги билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Бундай янгиланишлар қуйи бошқарув бўғинларининг ишига тепадан туриб ноқонуний аралашувларга чек қўйишга хизмат қилади.

Жойларда ширкат хўжаликлари раҳбарларини сайлаш ва лавозимидан озод этиш масаласида вилоятлар ва туманлар ҳокимлари ўзларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан айрим ўзбошимчаликларга йўл қўяётгани ғоят ачинарлидир. Бу кейинги йилларда жойларда ҳокимлар томонидан хўжалик раҳбарларини бўлар-бўлмасга ишдан бўшатиш ялпи тус олгани ва уларни қисқа давр мобайнида бир неча бор алмаштиришда, айниқса, намоён бўлмоқда.

Деҳқончиликдан, пахта, ғалла, бошқа экинларни парваришлаш, зироатчилик тажрибасидан пухта хабардор кишилар – хўжаликлар раҳбарларини, Ислом Каримов ибораси билан айтганда, бу борадаги олтин фондимиз, таянган тоғимиз бўлган мутахассисларни асоссиз равишда ишдан четлаштиришга олиб келаётган бундай ножўя тартиб тубдан қайта кўриб чиқилиши жоиз.

Хусусан, ширкат хўжалиги раиси лавозимига номзодни ҳоким тавсия этиши ва ширкат жамоаси уни сайлаши лозим. Раиснинг лавозимидан озод этилиши ҳам ҳокимнинг телефон орқали буйруғи билан эмас, балки ширкат жамоаси овози асосида ҳал бўлади. Ҳоким хўжалик раисини сайлаш чоғида жамоага уни қандай тавсия этса, уни ишдан олиш учун ширкат аъзоларига раиснинг хато-камчиликлари ҳақида ҳам ахборот берсин, бошқача айтганда, жамоа олдидан ўтсин.

Яна бир масала. Соҳада меъёрий-ҳуқуқий қоидалар асосида бошқариш тўла амал қилишини таъминлаш учун истиқболда ислоҳотларни янада жадаллаштиришда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, хусусан, шартномалар тузиш тартибини танқидий кўриб чиқиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг янги концепция ва низомларини яратиш жиддий аҳамиятга эга.

Биргина шартномалар тизимининг ўзи шартномалар тузилиши ва субъектлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мажбуриятларга риоя этилишини назорат қилиб борувчи аниқ механизм барпо этилишини тақозо этади. Шунингдек, бу мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулият оширилишини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан амалдаги намунавий шартномаларга тезкор ва жиддий ўзгартиришлар киритиш ўринлидир.

Йиллар ўтиб, ҳокимлар, турли даражадаги раҳбарлар қишлоқ хўжалигига бутунлай аралашмайди. Деҳқон, фермер ўз ишини билиб, ҳаллоллаб бажараверади. Ерни қанча чуқурликда шудгорлаш, қачон ва неча марта суғориш, нимани қаерда экиш юзасидан юқоридан кўрсатма беришнинг ҳожати қолмайди. Мен қишлоқ хўжалигининг келажагини ана шундай тасаввур қиламан, деди Юртбошимиз.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган даврда асосий эътибор бозор иқтисодиёти ислоҳотларини ижтимоий йўналтирилган ҳолда жорий этишга қаратилди. Яъни янгиланишлар суръатларини белгилашда халқимизни асраб-авайлаш, аяш, фуқароларимизни бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари ва талабларига аста-секин кўниктириб бориш йўли танланди. Бунинг натижаси ўлароқ, эндиликда фуқароларимиз ҳақиқий бозор талабларига мослашди, янгича шарт-шароитларга тайёр бўлди.

Шундай экан, бугун барча соҳалар сингари қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам соғлом рақобат асосида ишлаш ва яшаш учун белни маҳкам боғлаш ҳамда ислоҳотларни янада жадал ва теран жорий этишга киришиш фурсати етди. Мамлакатимиз раҳбари маромига етказиш юзасидан бир қатор амалий тавсиялар берган муҳим ҳужжат – Президент Фармони кучга киргач, бу борадаги ишлар янада жонланиши шубҳасиз.

Гулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси.

✧✧✧

Суратларда: мажлис пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни

Биз ҳуқуқий демократик жамият қуришни бош мақсадимиз деб белгилаганмиз. Бунинг учун, энг аввало, кишиларнинг сиёсий фаоллигини юксак даражага кўтаришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Омманинг сиёсий-ижтимоий жиҳатдан етуклиги унинг давлат ҳаётида фаол иштирок этиши билан белгиланиши шубҳасиз. Бу жиддий масала эса ўз-ўзидан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг зиммасига ҳам ҳар жиҳатдан масъулият юклайди. Тараққий этган демократик давлатларнинг мазкур йўналиш, яъни партиялар фаолияти борасидаги тажрибаларидан келиб чиқиб, юртимизда ҳақиқий кўппартиявийликни шакллантиришда нималарга эътибор қаратишимиз лозим? Демократик парламентаризм ҳамда ижобий сиёсий рақобат нима, деган саволлар ўқувчиларимизни қизиқтириши табиий. Умуман олганда, демократик жамият барпо этишда сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлиши керак? Шу тахлит ҳаётий саволларга сиёсатшунос Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВнинг қуйида эълон қилинаётган мақоласидан жавоб топишингиз мумкин.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТ УЧУН ЗАРУРИЯТИ

Сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятидаги ўрнини англаш учун уларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил этиш заруриятн туғилади. Ҳозирги замонга хос илк сиёсий партиялар янги даврга келиб шаклландилар. Айниқса, XIX асрда Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги партиялар сиёсий вакиллик институти характерини касб эта бошладилар. Партиялар пайдо бўлишининг муҳим сабабларидан бири – жамиятни демократлаштириш заруриятн билан боғлиқ. Фуқаролик жамиятини барпо этишнинг дастлабки даврида турли табақаларнинг интеграциялашиб бориши, шунингдек, бу жараёнларга ижобий таъсир кўрсатган мулкдорлар табақасининг кенгайиши билан айрим гуруҳлар манфаатларини сиёсий кенгликларда ифодалаш заруриятн замонавий сиёсий партиялар, сиёсий клуб ва уюшмаларнинг шаклланишини тақозо этган эди. Бу даврдаги партиялар турли ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг сиёсий манфаатларини белгилаб, сўнгра аста-секин фуқаролик жамияти манфаатларини ифодаловчи мустақил институтларга айланиб борди.

Агар янги тарих даври тажрибалари чуқурроқ таҳлил этилса, идора этишнинг республика кўриниши қарор топиши билан сиёсий партиялар тезда шаклланадилар. Дастлаб фуқаролик жамияти институтлари манфаатларини ҳимоя қилувчи, улар вакиллигини ифодалайдиган ташкилотлар шаклланади, сайловлар ва парламентларнинг такомиллашуви натижасида эса улар сиёсий партияларга айланадилар. Албатта, сиёсий партияларга нисбатан дастлабки даврларда салбий муносабатлар билдирилган. Ҳаттоки, XVIII асрда яшаган машҳур Томас Гоббс ҳам сиёсий партияларнинг мавжудлиги фитналарга сабаб бўлади, деган фикрларни билдирган бўлса, АҚШдаги баъзи сиёсатдонлар эса партиялар («фракциялар») халқ суверенитети принципини амалга оширишга қарамақарши равишда бирон-бир гуруҳнинг давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиши учун қурол бўлиши мумкин, деган фикрни билдирганлар. Француз инқилоби мафкураси асосчиларидан бири Жан Жак Руссо ҳам партияларга қарши ташвиқотлар юргизган эди. Лекин, XIX аср охири, XX асрдаги давлат арбоблари ва таниқли машҳур олимлар сиёсий партияларни жамият ҳамда давлат бошқаруви учун муҳим бўлган демократик институт сифатида талқин эта бошладилар.

Демократик қадриятлар жамиятнинг турли жабҳаларида қарор топиб бориши, фуқаролик жамиятининг ривожланиши билан сиёсий партияларнинг ўрни ва заруриятн юксалиб борди. Ғарб сиёсатшунос олимларининг талқинича, партиялар (лотинча, «partire» – «бўлмоқ», «қисм ёки парча»), яъни расмий институтлашган ва давлат ҳокимияти ва бошқарув устидан назорат қилишга функционал ихтисослашган ташкилотдир. Сиёсий партиялар соҳаси бўйича машҳур олим Ж. Сартори партияларга доир қуйидаги аниқликни киритган эди: ***«Сайловларда иштирок этувчи ва унинг натижасида ўз номзодларини давлат корхоналарига ўтказа олишга имконияти бор ҳар қандай сиёсий гуруҳ партиядир».*** *XX асрнинг сўнгги даврига келиб Ж. Лапаламбара ва Ж. Андерсон* ***«Бошқарув ва сиёсат энциклопедияси»*** *китобида қуйидаги таърифни ёзган эдилар:* ***«Партия расмий мақомга эга бўлиш ва расмий ташкилот бўлиш билан боғлиқ, марказни периферия билан боғловчи ва давлат органларига ўз номзодларини (эркин ёки ноэркин) сайловлар воситасида ўтказа оладиган ҳар қандай гуруҳдир».***

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФУНКЦИЯЛАРИ

Ҳозирги давр ғарб сиёсатшунослик фани сиёсий партияни ифодалаш мақсадида унинг қуйидаги белги ва функцияларига эътибор қаратади: биринчидан, «сиёсий партия – расмий ва ташкилий тизилмага эга, иккинчидан, ҳокимият устидан расмий назоратни амалга ошириш учун курашнинг махсус функциясини амалга оширувчи, учинчидан, мафкуравий доктрина белгиси асосида бирлашган, умуммиллий манфаатларни ифодалашга даъвогарлик қилувчи, тўртинчидан, ҳуқуқий мақомга эга бўлган ва бешинчидан, сайлов жараёнларига қўшилган нодавлат институт тури ва гуруҳий бирлашмадир».

Маълумки, фуқаролик жамиятининг пайдо бўлиш заруриятн энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳаётда амал қилишини мукаммал равишда ташкил этишдан иборат. Бу борада сиёсий институтлар функциялари ва уларнинг фаолият кўрсатиш микёси фуқаролар манфаатлари доирасида қабул қилинган қонунлар воситаси билан чегараланган бўлади. Шунингдек, яшаши ва фаолият кўрсатиши эса халқ оммаси сиёсий иродалари асосида кечиши билан боғлиқдир. Ана шу заруриятдан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларидаги сиёсий партияларнинг ўрнини ҳозирги давр илғор демократик мамлакатларда уларнинг жамиятдаги функциялари белгилайди. XX асрда демократик характерга эга бўлган сиёсий партияларнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат бўлди:

- *Алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, сиёсий манфаатлар маҳмуаси даражасига кўтариш, шунингдек, бу уйғунлашган манфаатларни уларнинг ҳаммаси учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлаш лозим. Партияларнинг яна бир энг муҳим мақсади бу – ўзи таянувчи ижтимоий табақалар ваколатларини сиёсий тизимда ифода этишдир; жамиятдаги у ёки бу ижтимоий табақаларнинг сиёсий дастурий ёки мафкуравий мақсадларини интеграция қилиш, бир тизимга келтириш, мазкур табақанинг сиёсий иродаси, сиёсий манфаатларини ва ғоясини ифодалаш назарда тутилади;*
- *Ҳар бир фуқаро ўзининг устидан ким бошқариши ёки идора этишига бефарқ эмас. Шунинг учун ҳам демократиянинг муҳим мезонларидан бири фуқароларга ўзлари устидан ким бошқаришини танлай олиш имкониятини беришдир. Партия фуқаролар хоҳиш-иродаси ва танлови асосидаги ҳокимиятни сайловлар натижасида шакллантиришнинг муҳим ва асосий воситасидир;*
- *Давлатни бошқаришдаги сиёсий қарорларнинг халқчил ва демократик қадриятлар асосида қабул қилиниши мамлакатдаги фуқаролик жамиятининг нечоғлик ривожланиш даражасини белгилайди. Сиёсий қарорларни қабул қилишгача бўлган даврда уларнинг лойиҳаларини партияларнинг қуйи органлари томонидан фуқаролар иродалари ва истакларини инобатга олган ҳолда, оддий кишиларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари асосида шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам партиялар бажарилиши шарт бўлган сиёсий қарорларнинг демократик легитимлаштириш, жамият томонидан тан олинишини таъминлашга эътибор қаратади;*
- *Партиялар турли даражадаги сайловлар воситасида ҳокимиятни шакллантириш, бошқарувчи кадрлар тизимини легитимлаштириш, уни фуқаролар томонидан тан олдириш ва эътироф этилишини таъминлаш омилидир;*
- *Партиялар қуйи ташкилотларидаги кўп қиррали фаолиятларида ўз партия дастурлари, маҳаллий бошқарув органларини баҳолайдилар, партиявий йиғинлар хулосалари, оммавий ахборот воситаларидаги фаол иштироклари воситасида жамоатчилик фикрини шакллантиради, бунда ифода этилган турли қарашлар асосида ҳаракат дастурлари тузишади, ўз фаолиятини ана шу дастур доирасида ташкил эта олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим;*
- *Партиялар жамиятнинг ўзлари қамраб олган ижтимоий-сиёсий кенгликларида фуқаролар сиёсий онги шаклланиши ва сиёсий маданиятини юксалиши учун ижтимоий-сиёсий муҳит ташкил қилувчи ташкилотдир. Фуқароларнинг сиёсий маданиятлари фақат назарий билимлар асосида эмас, балки асосан ижтимоий-сиёсий фаолият натижасидагина шаклланади;*
- *Партиялар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини илғаб, уларнинг ўзаро ўхшаш манфаатларини бирлаштиради, ҳар бир оила ва маҳалла ҳудудида «сочилиб» ётган табиий сиёсий интилишларини партиявий йўналишга жамлаб, ўз аъзолари ва хайрихоҳларини сиёсий жараёнларга сафарбар этади. Шунингдек, фуқароларни бу жараёнда фаол иштирок этишга янада кенгроқ ундаш учун уларни рағбатлантириш, «кўнглини кўтара олиш» доимийлигини таъминлайди;*
- *Партия демократик сайловларда сайланган ўз вакиллари, турли даражадаги депутатлари, турли мансабларни эгаллаган партиядошлари, шунингдек, партиявий фракциялари воситасида ўз муқобил дастурларини амалга ошириш, халқ оммаси эътирофига эришиш мақсадларида парламент ва ҳукуматга таъсир кўрсата олиш қобилиятига эга институтдир;*
- *Партия ўз сиёсий мақсадларини «давлат иродаси» билан уйғунлаштира олувчи сиёсий кучдир. Сайловларда қайси партия ёки бир неча партиядан иборат блоклар ютиб чиқсалар, улар идора этувчи партия мақомига эришадилар.*
- *Партия халқ билан давлат органлари ўртасидаги алоқалар ва муносабатларни доимий равишда таъминлаб турувчи бўғиндир. Маҳаллий партия ташкилотлари ўз бошланғич ташкилотларида яшаётган партия аъзолари, партияга хайрихоҳлар, сайловчилар сиёсий кайфиятини тезлик билан англаш қобилиятига эгадирлар. Шунингдек, ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида, ижтимоий табақаларни қайтадан гуруҳлашиш ва табақа бўлиб шакланиш жараёнларида баъзан ўзгариб турадиган фуқаролар манфаатлари, эҳтиёжлари, истаклари маҳаллий партия ташкилотлари томонидан тезда илғаб олинади ва улар таҳлил этиш, умумлаштириш асосида партиянинг давлат органларидаги вакилларига етказиб турилади. Натижада, давлат органларини ўз сиёсий йўналишларига тузатишлар, қўшимчалар киритиш жараёни табиий равишда кечади. Бошқача айтганда, сиёсий қарорлар қабул қилиш халқчиллик принципи асосида амалга оширилади.*

(Давоми бор.)

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,
сиёсатшунос

Газ таъминоти яхшиланди

Наманган вилоятида, хусусан Наманган шаҳри ва унга туташ туманларда табиий газ таъминоти бўйича аҳолининг эътирозлари кўп эди. «Обод маҳалла йили»да шаҳар чеккасида янги газ тақсимлаш станцияси ишга тушди. Вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати, оловкорларнинг интилиши натижасида ҳозирча 20 мингдан ортиқ хонадонда табиий газ таъминоти яхшиланди.

«Наманган – 2» деб аталадиган ушбу объект учун республика ҳукумати 1 миллиард 350 миллион сўм маблағ ажратди. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг Баҳромжон Раҳмонов бош бўлган «Олтин водий» жамияти станцияни замонавий жиҳозлади.

Зарур иншоотни ишга туширишга бағишланган маросимда сўзга чиққан вилоят ҳокими Т.Жабборов ва бошқалар газ кўпайтириш учун ҳаракатлар келгусида ҳам давом этишини таъкидладилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: *газ тақсимлаш станцияси бунёдкорлари.*

Пўлат АКБАРОВ олган сурат



Харидорларга манзур қандолатлар

Бўз туманида тадбиркор Хайрулло Худойқулов сармоя тўплаб, қандолатчилик цехи ташкил этди. Ҳозир 11 киши ишлаётган бу цехда ойига 5-6 тоннагача қандолатчилик маҳсулотлари ва ширин кулчалар тайёрланаяпти. Уларни Бўз, Шаҳрихон, Андижон ва Наманган шаҳарлари бозорларида харидорлар суюб харид қилишмоқда. Тадбиркорлар ҳам ишлаб чиқариш жабҳасини янада кенгайтириш ва маҳсулот турларини кўпайтириш ҳаракатида.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

МУАММО, МУЛОҲАЗА...

«Кўпгина ҳолларда шахс ўзгариб, моҳият, маъно-мазмун эса эскича қолмоқда... Барча вилоят ва туманларда собиқ жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилган. Лекин жиддий таҳлил этадиган бўлсак, ана шу янги ширкатлар кўпгина жойларда эски жамоа хўжаликларидан деярли фарқ қилмаслиги аён бўлади...»

Манфаатлар

УНДАН КИМ ФОЙДА, КИМ ЗАРАР КЎРАЯПТИ?

Юртбошимиз Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида айтган бу сўзлари қанчалик аччиқ бўлмасин айни ҳақиқат. Мана, бир мисол.

Ўта шўрхок ва камҳосилли ерларда ташкил топган Мирзаобод ва Меҳнатобод туманлари ўтган йили тўла фермерлик йўлига ўтганди. Мирзаобод туманида 2002 йил якунларига кўра фермерлик ҳаракатига ўтиб ишлаш туфайли қишлоқ хўжалигидан кўрилаётган зарар бир миллиард сўмга камайди. Бу йилдан бошлаб Шароф Рашидов ҳамда Оқолтин туманларида ҳам янги давр нафаси сезила бошлади. Ҳозир уларда олдинги ширкат ва уюшмалар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган вилоят кенгаши сессиясида таъкидланганидек, қолган туманлардаги 36 та хўжалик деҳқонлари ҳам фермерлик ҳаракатига қўшилишди.

Лекин бир пайтлар бутун республикага донг тараган Сирдарё туманидаги «Малик» ширкат хўжалигида бу борада юз бераётган можаролар юқоридаги фикрларимизга бироз соя ташлаётганидан ҳайрон қоласан, киши...

Фермерлик ҳаракати хўжаликка бундан деярли ўн йилча муқаддам, яъни 1994 йилнинг эрта баҳоридан кириб келганди. Ўшанда чамаси ўн икки нафар киши илк бор фермерлик ишига қўл уришди. Уларга ажратилган умумий майдон ҳам унча кўп эмас – жами 60-70 гектарча эди.

Сўнгра бу ерда фермерлар сони йил сайин кўпая борди. Шунинг учун ҳам ҳозирга келиб, ҳудудда пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа соҳаларга асосланган 55 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб турибди. Улар қарамоғидаги ер майдони 1131 гектарга етиб қолди.

Ҳуллас, шу пайтга қадар бу борада айтарли муаммолар йўқ эди. Бошқача қилиб айтганда, ширкат фермерлар билан тил топишиб ишлаётган эди. Бироқ, кўз тегдими, ҳарқалай фермерлик ҳаракати вилоят бўйлаб кенгая бошлаган бир пайтда улар орасида жиддий низо чиқди. Ширкат раҳбарлари бирданига томдан тараша тушгандай: «энди фермерларга ер бермаймиз!» деб туриб олишди. Шу йилнинг 18 январь куни ширкатнинг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб унда 500 га яқин одам қатнашди. Раис Дилмурод Фозилов ҳисоб берди, кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Йиғилиш якунига кўра кўпчиликни ранжитган ва саросимага солган иккита гап бўлди: биринчиси – қарорга «бу йил фермерларга ҳеч қандай ер берилмайди», деб ёзиб қўйилди. Иккинчиси – унга «шу пайтгача ширкат раиси номига фермер бўлиш мақсадида ер сўраб ёзилган барча аризалар (улар 100 дан ортиқ!) инкор қилинсин», деган банд киритилди.

Хўш, нега шундай бўлди? Нега фермерлик иштиёқида юрганлар юзига, таъбир жоиз бўлса, тарсаки тортиб юборилди? Нега ширкат раҳбарлари бўлажак фермерларга нисбатан ўз қарашларини бирдан бунақасига ўзгартириб юборишди?

Баъзи норасмий мулоҳазаларга қараганда, бунга асосан ширкат йиғилишида кўпроқ куюниб гапиришган оилавий пудратчилар сабаб бўлганмиш. Келинг, шу ўринда бу соҳага ҳам бир назар ташлаб олайлик. Ширкат бўйича ҳозир 105 та оила пудрати фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир пудратчи ҳисобига ўртача 3 гектардан ер тўғри келаяпти ва мулкчиликнинг бу шаклида деярли 600 киши ишлаб турибди. Агар ўрта ҳисобда ҳар бир оила пудратчига уч гектардан ер тўғри келаётган экан, демак ундан озроқ майдонга эга бўлганлар ҳам бор. Агар ҳақиқатдан ҳам шу гаплар асосли бўлса, давр тақозоси – фермерлик ҳаракати авж олаётган бир пайтда, муайян гуруҳларнинг хоҳиш-иродаси билан иш юритилаверадими? Қолаверса, нега оила пудрати фермерлик ҳаракатига тўсқинлик қилиши керак?

Энди иккинчи мулоҳаза: юқорида айтиб ўтилганидек, ширкат раҳбарлари ҳақиқатдан ҳам ғайратли ва тадбиркор кишилар. Раис ҳам, бош ҳосилот (Эркин Раҳмонов) ҳам, бош иқтисодчи (Баҳодир Бердиев) ҳам 30-40 ёшлар оралиғидаги раҳбарлар. Балки улар хўжаликни гуллаб-яшнатиб, ўз иқтидорларини юзага чиқармоқчи бўлишаётгандир? Чунки кейинги йиллардаги баъзи иқтисодий кўрсаткичлар «Малик»нинг аста-секин тикланаётганидан далолат бермоқда. Масалан, 2001 йил якунига кўра йиллик пахта тайёрлаш режаси бажарилди. Гарчи ўша йили пахтачиликдан 30 миллион сўмга яқин зарар кўрилган бўлса-да, сўнгги йилларда «планни бажардим» деган азаматни топишнинг ўзи анча қийин бўлиб қолди, ахир. Ва ниҳоят, ўтган йил якунига кўра пахта сотиш йиллик режаси 76 фоизни, ҳосилдорлик эса 24 центнерданни ташкил этган бўлса-да, ширкат жамоаси йил якунига кўра 19 миллион сўм фойдани мўлжаллаб туришибди. Бунинг устига хўжаликни тиклаш, оғирини енгил қилиш мақсадида ўтган йили 4 та янги ҳайдов трактори ҳам сотиб олинди... Лекин, буни қарангки, хўжаликнинг 1784 гектар ерида деҳқончилик қилаётган 1130 нафар ширкатчи йиллик хомчўтга кўра 19 миллион сўм даромад қилишни кутаётган бўлса, шу хўжаликдаги Омонкелди Тнибеков бошлиқ 10 кишилик фермер жамоаси атиги 19 гектарлик пахта майдонидан 5 миллион сўмликдан зиёд фойда кўрибди. Буёғини энди ўзингиз тушуниб олаверинг...

Агар гаплашиб қолгудек бўлсангиз, ширкат раҳбарларининг сўзларидан уларнинг фермерлик ҳаракатига аслида қарши эмасдек қарашларини илғаб оласиз.

– Фермерлар ўз ишлари учун кўпроқ жон куйдиради, мақсадлари йўлида астойдил елиб-югуришади, – деди бош ҳосилот Эркин Раҳмонов. – Ширкатдагилар ҳам ишламайди эмас, ишлайди. Лекин...

Ҳосилот шу «лекин»га келганда сўзини тўхтатиб қўя қолди. Биз ҳам, гапнинг рости, давомини сўраб ўтирмадик...

– Кўп йиллар хўжаликда ишладим, деярли етти йил оила пудратига бошчилик қилдим. Аммо ҳарчанд уринмайлик – косамиз оқармади, – дейди Омонкелди Тнибеков. – Фермер бўлдигу – ўзимизни танидик. Топиш-тутишимиз, даромадимиз ошса ошяптики, камайганича йўқ. Икки тракторим бор. Бирига яқинда янги мотор олдим. У ҳам салкам уч миллион сўм тураркан. Оиламиз билан 32 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Тартибга кўра ҳар тракторга ҳеч бўлмаганда 50 гектар ер тўғри келиши керак:

● ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

Маърифат манзили

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ» МАҲАЛЛАСИДА ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ватан осмони мусаффо. Юрт сарҳадлари сокин, тинч. Замин узра майсалар бош кўтарган. Дарахт новдаларига «қон» югуриб, тириклик абадийлигидан сўзлайди. Баҳор нафаси қалбларга кўчган.

Келажагимиз, умидимиз бўлган фарзандларимиз эрталаб боғча, мактаб, лицей-коллежлар, олий таълим масканлари томон шошадилар. Замондошларимиз меҳр-мурувват, маърифат маскани бўлган маҳаллаларимизда кўнгилларни обод ва нурафшон этиш йўлида изланадилар.

«Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи фаолларининг маданий-маърифий соҳада олиб бораётган ишлари эътиборга сазовор. Яқинда улар маҳалла ҳудудида жойлашган 97, 247 ва 273-ўрта мактабларда бўлишиб, ўқувчиларнинг спорт тўгараклари ва жисмоний маданият фани дарсларига қатнашиши, уларнинг қизиқишлари, муаммоларини ўргандилар.



— Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросига доир Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилингандан сўнг маҳалламизда бир қатор ибратли ишларни амалга оширдик. Жумладан, 9-16 ёшгача бўлган болалардан ташкил топган футбол жамоаларини туздик. Мактабларимиздаги спорт иншоотларини ўрганиб, мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан ҳомийлик ёрдамларини уюштирдик. Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳалла гузари атрофидаги ер майдонида футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдончалари қуриш ҳақида қарор қабул қилди, — дейди маҳалла оқсоқоли Эркин Худойбердиев.

Эътиборга сазовор томони шундаки, маҳаллада ўқувчилар саройи билан ҳамкорликда «Дуторчи қизлар» ансамбли тузилган. Унда кўплаб санъат ғунчалари камол топмоқда. Яқинда улар 31-сонли Меҳрибонлик уйида бўлиб, тенгдошларига концерт дастурини тақдим этдилар.

Маҳалла фаоллари болаларда тарихга, санъатга меҳр уйғотиш мақсадида музейларга ташриф уюштирмоқдалар. Бу ишларга ҳомийлик қилишни истовчилар йўқ эмас. Мактаб ва маҳалланинг фарзандларимиз тарбиясидаги ролини ошириш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маҳалла аҳлининг мақсади ойдин: «Фаровон маҳаллада — осойишталик, осойишта маҳаллада — тинч-тотувлик, тинч-тотув маҳаллада эса ҳамиша барака».

Ватанимиз мустақиллиги билан номланган маҳалладан эртага спорт ва санъатнинг ҳақиқий юлдузлари етишиб чиқишига ишонамиз.

Фаррух ҲАМРОЕВ

✧✧✧

Суратларда:

1.Болалар спорти маҳалла фаоллари эътиборида; 2. Маҳалладаги дуторчи қизлар дастаси; 3. Ёш оила бекаси билан «Оила иқтисодиёти» ҳақида суҳбат.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

● ХУСУСИЙ СЕКТОРГА КЕНГ ЙЎЛ

Биринчи аукцион савдоси Қаерда ва Қачон бўлган?

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодиётда эркин бозор муносабатларини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг бошланиши туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга кенг йўл очди.

Хусусан, давлат тасарруфидаги мулкларнинг очиқ аукцион савдолари орқали, барча юридик ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижлик сармоядорлар, аҳолининг барча қатламлари таклиф этилган ҳолда сотилиши йўлга қўйилганлиги юртимизда ўрнатилган ижтимоий адолатнинг яна бир кўринишидир.

Ўзбекистонда илк маротаба аукцион савдоси ўтказилганлигига 9 йил тўлди. Давлат мулки қўмитаси таркибидаги республика Кўчмас мулк биржаси томонидан 1994 йил 4 мартда Наманган шаҳрида биринчи маротаба жаҳон талаблари даражасида хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчихоналари, чет эл фирма ва компаниялари ваколатхоналари, маҳаллий ҳамда хорижлик сармоядорлар иштирокида биринчи маротаба байрамона тарзда катта аукцион савдоси бўлиб ўтган эди.

Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 228-сонли «Республика Кўчмас мулк биржаси фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари ҳақидаги» қарорига асосан ташкил этилган ва фаолият юритиб келмоқда.

Ҳозир ушбу биржа ўзининг 9 йиллик фаолияти давомида республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этмоқда.

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг филиалларида, 229 та брокерлик идораларида 268 нафар брокер фаолият кўрсатмоқда.

Президентнинг 2003 йил 24 январдаги ***«Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»****ги Фармони хусусийлаштириш жараёнлари янги босқичга чиқишига кенг имкониятлар яратди.*

Албатта, ҳукуматимиз томонидан иқтисодий тизим олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда Ўзбекистон бозор инфратузилмаси барча бўғинларининг ҳамкорликда ишлаши муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йиллар давомида Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан хусусийлаштирилиши белгиланган 67167 та объект РКМБ ва унинг филиаллари савдолари орқали нодавлат мулк шаклига ўтказилди.

Давлат ва нодавлат шаклдаги 117603 та объект жами 21388,98 млн. сўмга, хусусан 2002 йилда 23197 та объект жами 8613,6 млн. сўмга жисмоний шахсларга сотилган.

Шунингдек, Президентимизнинг «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, биржанинг филиалларида ташкил этиладиган аукцион савдоларида уй-жой учун 400 квадрат метрлик, шахсий томорқа хўжалиги юритиш учун 600 квадрат метрлик ер майдонлари ҳам сотилади, эътиборлиси бу майдонлар умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан белгиланган тартибда савдоларга қўйилади.

Шу била бирга, республика Кўчмас мулк биржаси ўз фаолиятида чет эл сармоядорлари ва хорижлик ҳамкорлари бўлган тадбиркорларга эркин муомаладаги валютага сотилиши белгиланган объектларнинг очиқ савдоларини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Жумладан, ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари республика Биржа маркази биносида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жойлашган кўчмас ва бошқа мулкларнинг биржа савдолари мунтазам равишда уюштирилмоқда.

Юртбошимиз 2003 йил 17 февраль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиб беришга қаратилган бозор инфратузилмаси институтларининг ривожланиши хусусида, бундан хусусий мулк манфаатини ҳимоя қилиш, зарар кўриб ишлаётган хусусийлаштириладиган корхоналар мол-мулкини баҳолаш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этишига алоҳида тўхталиб ўтди.

Мисол учун, зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг фойдаланилмаётган мулкларининг очиқ савдолар орқали сотилишини олиб кўрайлик.

Ҳеч ким фойдаланмаётган, ташландиқ ҳолга келиб қолган мулк кун сайин ўз қадрини йўқотиб боради, ҳеч кимга нафи тегмайди. Агар шу каби мулклар очиқ савдоларга чиқариб сотилса, ҳақиқий эгасининг қўлига ўтади. Бундан биринчи навбатда мулкдор, атрофдаги одамлар, давлат ҳам манфаат кўради, яъни янги иш ўринлари очилиб, ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди.

Бундан ташқари «қотиб қолган» раҳбарлар онгидан боқимандалик, ўзибўларчилик кайфиятини чиқариб ташлайди, иқтисодиётнинг соғломлашишига сабаб бўлиб, эркин ва соғлом рақобатни вужудга келтиради.

Ҳозирги вақтда Кўчмас мулк биржасида «Ишонч телефони» ташкил этилган. Ҳар бир фуқаро савдоларга қўйилган объектлар тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни олиши мумкин. Фуқароларнинг, барча мурожаатлари махсус журналда қайд этиб борилади. Бу ўз навбатида айрим брокерлик идоралари томонидан ноўрин маълумотларни тарқатиш каби ҳолатларга нисбатан тегишли чора кўриш имконини яратади.

Биржа ўз савдолари орқали амалга оширилган битимлар юзасидан янги таҳлилий маълумотлар базасини жорий қилиш устида иш олиб бормоқда.

Бунинг афзаллиги шуки, аввало сотилган мулк объектлари ҳақидаги ахборотда унинг жойлашган ҳудуди, халқ хўжалиги тармоғи, эскириш даражаси ва бир метр квадратига тўғри келадиган нарх акс этади.

Бу тизимнинг яратилиши кўчмас мулклар бозорида янги босқични бошлаб беради.

Республика Кўчмас мулк биржаси табиийки бундан буён ҳам мамлакатимиз иқтисодий тизимида хусусий мулк улушини ошириш, мулкдорлар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, эркин бозор муносабатларининг тўлиқ ишлаши учун имконият яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга ўз ҳиссасини қўшаверади.

Алимбек ТОШБЕК

Заҳира учун яна 16 минг

Ироққа қарши ҳарбий операцияга тайёргарлик кўриш жараёни кетаётган ушбу кунларда АҚШ ўз армиясига заҳира учун яна қўшимча равишда 16 минг 375 кишини аскарликка чақирди. Шундай қилиб заҳирага чақирилганларнинг умумий сони 168 минг 83 кишига етди. Шундан 123 минг 448 нафари қуруқликдаги қўшинлар учун, 19 минг 906 нафари ҳарбий ҳаво кучлари учун, 14 минг 727 нафари денгиз пиёдалари қисми учун, 6 минг 933 нафари денгиз флоти учун, 3 минг 69 нафари эса қирғоқ муҳофазаси хизмати учун чақирилган.

Бу хабар Reuters агентлигидан олинди.

Бирлашишга яна бир имконият

БМТ Бош котиби Кофи Аннан бундан бир неча йиллар муқаддам юзага келган Кипр муаммосини ижобий ҳал этиш учун, яъни Греция ва Туркия қисмини бириктириб, ягона давлат ташкил этиш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Ва бу йўлда у маълум бир келишувларга ҳам эришди. Чунончи, БМТ воситачилигида икки республика етакчилари 10 март куни ушбу масала юзасидан Гаагада учрашув ўтказишга келишиб олди. Шу куни Кипрнинг Греция қисми Президенти Тасос Пападопулос ва Туркия қисми етакчиси Рауф Денкташлар Гаагада икки республика бирлашуви ҳақидаги тинчлик шартномасига имзо чекишлари лозим.

БМТ Бош котиби бу муддатни аввал 28 февралга белгиларганди. Бироқ бу муддат камлик қилишини тушуниб, у бу кунни 10 мартга белгилади.

Унинг айтишича, агар икки президент ҳам шартномани имзоласа, 30 март куни республикалар бирикуви борасида умумий референдум ўтказилади. Ва шундан сўнг Кипр ягона давлат бўлиб Европа Иттифоқи таркибига кириши мумкин. Агар президентлар бир фикрга келишолмасалар, у ҳолда ЕИга фақат Кипрнинг Греция қисми қабул қилинишига тўғри келади ва икки республика ўртасидаги муаммолар давом этаверади. Шунинг учун ҳам жаҳон жамоатчилиги уларнинг бирлашуви тарафдори бўлмоқдалар.

Европа Иттифоқига қабул қилиш, Reuters маълумотига кўра, 16 апрелга белгиланган.

Сут сотилмайдиган бўлди

Яқинда Нью-Йорк штатининг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бозори департаменти томонидан ўтказилган текширувдан сўнг АҚШнинг энг йирик шаҳридаги дўконларда сотилаётган Россиянинг «Можайское» (ярим литрлик шиша идишда) ва «Милая Мила» (бир литрлик картонда) дея номланган, стерилланган сутлари B&B International Connections Ins компанияси томонидан йиғиштириб олинмоқда ва энди улар сотилмайдиган бўлди.

Сабаб: бу озиқ-овқат турларида сульфонамид борлиги аниқланган. Мазкур препаратдан чорва маҳсулотлари учун фойдаланиш АҚШда қатъиян тақиқланган. Негаки, у аллергик касалликларни қўзғайди. Лекин сутни ичиб бундай касалликка йўлиққанлар ҳозирча қайд этилмаган. Аммо шундай бўлсада, компания эҳтиёткорлик чораси сифатида юқорида айтилган қарорга келди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

«O'ZDASTGOHASBOBUSKUNASAVDO» OAJ

Акциядорларнинг 2002 йил якунлари бўйича умумий йиллик йиғилиши ўтказиладиган сана ўзгарганлигини ва у 2003 йил 4 апрель куни соат 10.00 да бўлишини маълум қилади.

Манзилгоҳ: *700025, Тошкент ш., Кичик Бешёғоч кўчаси 130.*
Рўйхатга олиш соат 9.00 дан.

КУН ТАРТИБИ:

1. Бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. 2002 йил учун йиллик балансни тасдиқлаш.
4. Дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
5. 2003 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
6. Кузатув Кенгашини тасдиқлаш.
7. Бошқарув Кенгаши ва Тафтиш комиссиясини тасдиқлаш.
8. Низом жамғармасини ошириш.
9. 2003 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
10. Турли масалалар.

Маълумотлар учун телефонлар: *54-56-98, 54-49-20.*

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2003 йил 28 февраль куни ўтказилган кимошди савдоларида Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган 4 та ҳамда М.Улуғбек тумани, Т.Малик кўчасида жойлашган сатҳи 0.04 га бўлган 3 та ва сатҳи 0,02 бўлган 1 та якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкалари сотилди. Умумий сотилиш баҳоси 8 750 000 сўмни ташкил қилди. Шунингдек, ўтган ҳафтада ўтказилган биржа савдоларида 14 та кўчмас мулк объектлари 909 065 000 сўмга сотилди, булардан 1 таси давлат объекти бўлиб сотилиш баҳоси — 57 000 000 сўмни ташкил қилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкен шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

тўқнашуви

Сирдарё вилоятининг «Малик» ширкат хўжалигида 1130 нафар киши 1784 гектар ерда деҳқончилик қилиб, йиллик сарҳисобга кўра 19 миллион сўм даромад кўрди. Шу ердаги 10 кишилик бир фермер эса 19 гектар ердан 5 миллион сўмдан зиёд фойда кўрди... Қай бири афзал: ширкатми ё фермер хўжалиги?

«икки тракторим бор қўшимча ер беринглар», десам хўжалик раҳбарлари унашмаяпти...

Аслида бу нафақат фермер Тнибековнинг, балки ширкатдаги барча фермерларни ўйлантираётган муаммо. «Бу йил фермерларга ҳеч қандай ер берилмайди... ер сўраб ёзилган ҳамма аризалар бекор қилинсин» деган қарор бандларининг сабаблари ҳамон номаълум қолмоқда.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақола газетада босилаётган чоғда таҳририятга айни шу хўжаликдан ёзиб юборилган бир хат диққатимизни тортди. Унда айтилишича, 4-бўлим, «Ҳамза» маҳалласи ишчи-хизматчилари бир неча йилдан буён ичимлик суви масаласи ечимида хўжалик раҳбари Дилмурод Фозиловга мурожаат қилавериб чарчашибди. Янги қурилган уйларнинг кўчалари қишда лой, ёзда чанглиги аҳоли тоқатини тоқ қилибди. Ишчилар иш ҳақларини вақтида олишолмаётган эканлар.

— «Устига-устак, — деб ёзади хат муаллифи шу маҳалладаги истиқомат қилувчи Баҳодир Ҳакимов, — раисимизнинг ишчиларига «раҳми» келиб, 2002 йил учун иш ҳақи тарзида буғдойнинг ҳар бир килосига 100 сўмдан нарх қўйиб тарқатганини, ваҳоланки, бу даврда буғдойнинг килоси бозорда 60-70 сўм бўлганини қандай изоҳласа бўлади?

Хўжаликда биронта ҳам фермерга энди ер берилмаслигини эшитиб, тушунолмай қолдик. Масалан, маҳалламизда яшовчи Зокир Муқимов илгари узоқ йиллар Оқолтин туманида 120 гектар ерни фермер хўжаликка айлантириб, яхши натижаларга эришган одам эди. Оилавий аҳволи сабабли у ҳозир бу ерга кўчиб келган. Яхши ниятлар билан ўз фаолиятини давом эттириш мақсадида хўжалик маъмуриятига ҳам, туман ҳокимлигига ҳам мурожаат қилди. Лекин унинг барча ҳаракатлари зое кетди.

Яқинда хўжалигимиз раҳбари қандайдир қарорларни рўкач қилиб, йиллик ҳисобот йиғилишида «бу йил бирорта ҳам фермерга бир гектар ҳам ер берилмайди», деган гап қилди. Ҳолбуки, ер қишлоқ хўжалигидан умуман бехабар бўлган кишиларга бўлиб берилаяпти...

Хуллас, хўжалигимиз ишчи-хизматчиларига бугунги кунда ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам керак...»

Бу гаплар ва юқорида мухбиримиз мақоласида кўтарилган фикр-мулоҳазалар тегишли идора ва ташкилотларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

ОАО «TEMIRYO'LTA'MIN»

Наблюдательный Совет ОАО «TEMIRYOL'TA'MIN» сообщает о проведении годового общего собрания акционеров, которое состоится 4 апреля 2002 г. в 11 часов по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, ул. Проектная Г-24.

Список акционеров, имеющих право участвовать в годовом общем собрании акционеров, составлен по данным реестра закрытым по состоянию на 4 марта 2003г.

ПОВЕСТКА ДНЯ СОБРАНИЯ:

1. Отчет председателя правления ОАО «TEMIRYO'LTA'MIN» о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества по итогам 2002 года и бизнес план развития общества на 2003 год.
2. Утверждения годового отчёта и бухгалтерского баланса.
3. Утверждение заключения аудиторской проверки. Утверждение аудитора на 2003 г.
4. Отчет ревизионной комиссии.
5. Распределение прибыли и утверждение размера годовых дивидендов за 2002 год.
6. Выборы в новый состав Наблюдательного Совета.
7. Принятие решения о проведении на 2003 год договора найма с председателем правления.
8. Внесение изменений в Устав общества и проспекта эмиссии.

Регистрация участников собрания проводится с 10 часов по выше указанному адресу. При себе иметь паспорт или удостоверение личности, а представителям акционеров нотариально заверенные доверенности. Представителям акционеров юридических лиц необходимо иметь доверенность, заверенную руководителем общества.

Справки по телефону: *58-72-00*

Наблюдательный Совет ОАО «TEMIRYO'LTAMIN»

БАЛАНС ОАО «ТЕМИРЙУЛТАЪМИН» ЗА 2002 ГОД

№	Актив	тыс.сум	Пассив	тыс.сум
1.	Остаточная стоимость основных средств	120581	Уставной фонд	128519
2.	Долгосрочные инвестиции (акции)	19374	Резервный капитал	185594
3.	Производственные запасы	346615	Нераспределенная прибыль	71368
4.	Расходы будущих периодов	725	Целевые поступления	19769
5.	Денежные средства	8208	—	—
6.	Дебиторы	549248	Кредиторы	639501
7.	БАЛАНС	1044751	БАЛАНС	1044751

Чистая прибыль оставшаяся в распоряжении ОАО «Temiryo'lta'min» за 2002 год — 27919 тыс.сум

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

«Универсиада — 2004»: тайёргарлик қизғин

Республика олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада» ўйинлари мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва оммавийлаштириш, соғлом авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар икки йилда ўтказилиши анъанага айланган мазкур спорт байрами келгуси йили Самарқандда бўлиб ўтади.

Универсиадага тайёргарлик ишлари қандай кетаяпти? Мухбиримиз Самарқанд шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ўктам СИРОЖИДДИНОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Ўктам Самариддинович, «Универсиада — 2004» спорт мусобақаларига тайёргарлик қандай бўлаяпти? Мусобақада қанча киши иштирок этиши кутилмоқда.

— Ушбу спорт байрамини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Мусобақаларда спортнинг 16 тури бўйича 2786 нафар талаба иштирок этиши кутилмоқда. Мусобақалар асосан шаҳардаги олий ўқув юртлари, қисман эса Пастдарғом, Тайлоқ, Самарқанд, Жомбой ва Булунғур туманларидаги коллежларда ўтказилиши режалаштирилган. Баскетбол, волейбол ва теннис бўйича 372 нафар талаба Самарқанд давлат университетининг спорт мажмуаларида беллашадилар. Шунингдек, уларнинг яшашлари учун университетнинг талабалар уйида барча шароитлар яратилади. Мусобақалар ўтказилиши мўлжалланаётган қишлоқ хўжалиги, чет тиллари ва кооператив институтлари ҳамда бир қанча касб-ҳунар коллежлари спорт мажмуалари, ётоқхоналарида катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, Самарқанд давлат университети талабалар уйларида 1340, қишлоқ хўжалиги институтида 680, чет тиллари институтида 400, меъморчилик қурилиш олийгоҳлари ётоқхоналарида 530 кишилик ётоқхоналар меҳмонларни кутиб олишга шай қилиб қўйилади.

— Бугун қурилиши жадал олиб борилаётган «Локомотив» стадиони, «Дельфин» сузиш ҳавзаси каби бир қатор янги спорт мажмуаларида бажарилаётган ишлар ҳақида маълумот берсангиз.

— Стадион лойиҳаси Россия федерациясидан келтирилган. Анча замонавий лойиҳа. Нафақат вилоятимиз, балки республикамиз учун ҳам бу стадион янгилик бўлади. Йигирма беш минг ўринли спорт мажмуи барча қулайликларга эга бўлиши билан бошқа стадионлардан ажралиб туради. Ҳозир стадионда катта ҳажмдаги қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Бунга 4,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарф этилиши мўлжалланмоқда.

Темирйўл туманида қурилиши давом этаётган «Дельфин» сузиш ҳавзаси ҳам вилоятимиздагина эмас, балки республикамиз спорт ҳаётида катта янгилик бўлади. Бу ерда мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни бемалол ўтказиш мумкин бўлади. Шунингдек, Самарқанд шаҳарсозлик лойиҳалаштириш институти олимлари томонидан тайёрланган лойиҳа асосида Гагарин кўчасининг Боғишамол тумани ҳудудида қад ростлаётган ёпиқ спорт манежида ҳам спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланиш имкони яратилади. Қурилиши ўтган йили бошланган ушбу спорт манежи яқин орада ишга тушириладиган. Шаҳримиздаги «Сўғдиёна» спорт мажмуаси ва бир қатор коллежларнинг спорт соғломлаштириш мажмуалари ҳам тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилади.

— Шу ўринда яна бир байрам ҳақида тўхталмоқчиман. Маълумки, бу йил мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги шодиёналари арафасида Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг навбатдаги танлови ўтказилади. Ҳозир «Универсиада—2004» мусобақаларига тайёргарликнинг бориши баробарида IV мусиқа фестивалига ҳам тайёргарлик қизғин кетаяпти.

Талаба-спортчилар «Универсиада»сининг Самарқандда ўтказилиши шаҳримиз маданий ҳаётида катта воқеа деб биламиз. Ва республикамизнинг турли жойларидан келадиган ёшларимиз спорт майдонларида ўз маҳоратларини намойиш этиш билан бирга қадимий шаҳримиз тарихий обидалари билан кўпроқ танишишлари учун барча имкониятлардан фойдаланамиз.

— Универсиадага спортчилардан ташқари келадиган меҳмонлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Спортчи-талабалардан ташқари 100 нафардан ортиқ ҳакам, 50 нафар хорижий меҳмонлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда олий ўқув юртларининг ректорлари, жами 780 нафар меҳмон иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Улар шаҳримиздаги муҳташам «Афросиёб», «Самарқанд», «Зарафшон» каби замонавий меҳмонхоналарга жойлаштирилади.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: Бухородa ўтган «Универсиада — 2002»да умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллаган Тошкент вилояти талабаларидан бир гуруҳи ўз мураббийлари билан.

Р. ШАГАЕВ олган сурат.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Арзоннинг шўрваси татимас

Арзон, ориқ гўштнинг шўрваси татимсиз бўлади. Ота-боболар ҳар бир нарсани олишда унинг энг яхшисини, сифатлисини олиш, нархининг қимматлигидан чўчиманслик лозимлигини уқтириб ўтганлар. Чунки, нархи қиммат нарса шак-шубҳасиз ҳар жиҳатдан яхши бўлади. Вар.: «Арзон беиллат эмас, Қиммат беҳикмат эмас»; «Қимматда бир ҳикмат бор, Арзонда бир иллат бор»; «Арзон олган алданур, Қиммат олган алданмас»; «Арзимаса, арзонга ҳам олма»; «Кераксиз нарса арзон бўлса ҳам қиммат».

Асал — қилмайди касал

Асал гул ва бошқа нарсаларнинг устига тушадиган кўзга кўринмас шудринг (шира) бўлиб, уни асаларилар териб олади. У шундай бир бўғки, юқорига кўтарилиб, ҳавода етилади ва кечаси қуюқлашиб, асалга айланиб, пастга тушади. Унда тозаловчи, томирлар оғзини очувчи, ҳўлликларни шимдирувчи қувват бор. Чирикли чуқур яраларни тозалайди, янги жароҳатларни ёпиштиради, темираткиларни тузатади, қулоқни тозалайди, қуритади ва эшитиш қобилиятини кучайтиради, кўз хиралашувини кетказади, бўғмаларни тузатади, меъдани кучайтиради ва иштаҳани оширади, газандалар чаққанида ва афюн ичганда фойда қилади, қутурган ит қопганга ва заҳарли қўзиқорин еганга даво, заҳарларга қарши фойдали нарса (Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари). Вар.: «Асалари — оиланинг табиби»; «Болни бол — дейди, Болни таниган ейди» (асалфурушлар болни шундай деб мақтаб сотадилар); «Бол ҳам — бол, баҳоси ҳам — бол» (баҳоси қиммат, демоқчи); «Бор ерида бол арзон»; «Асал» десанг, бир камир, Қўл тиқсанг, икки камир»; «Бол билан балчиқ еса ҳам бўлади»; «Болнинг тагини е, сутнинг бетини» (чунки, болнинг таги дурда бойлаб, соф асал ҳолига келади, сутнинг бети эса қаймоқ боғлайди).

Анор чўлда битар, анжир — кўлда

Анор дарахти қуруқ ва серқуёш ерни, анжир намлик ерни ёқтиради. «Тагим кўл бўлсин, танам чўл бўлсин» деган мақол ҳам борки, буни боғбонлар анжир тилидан айтишган. Вар.: «Олмани чўлга эк, узумни — кўлга»; «Янги ток тўқсон марта сувсирайди». Буларда олмани қурғоқ ерга, токни эса серсув ерга экиш тавсия этилади.

Арғамчига қил қувват

Арғамчи (арқон) нуқул жундан қилинса, мустаҳкам бўлмайди, салга узилиб кетади. Шунинг учун жунга озроқ қил (отнинг ёли ёки думидан) аралаштириб эшадилар. Шу озгина қил ҳам арғамчини пишиқ ва бақувват қилади. Мажозий маъноси: «Қийналиб, муҳтож бўлиб турган одамга озгина ёрдамлашиб юборсанг, унга анча қувват бахш этган бўласан, у сенинг шу озгина ёрдаминг билан ўзини ўнглаб олиши мумкин». Вар.: «Чанқоққа бир томчи ҳам — мадад».

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Navbatchi
Ilhom KAROMOV
Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDYLLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 247
16178 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИДА

«Мулоқот»га чорлов

«Мулоқот» журналининг 2003 йилдаги биринчи сони нашрдан чиқди. Журнал «Муҳаррир минбари» рукни остидаги «Ҳар кунимиз қадр бўлсин» мақоласи билан очилади. Унда Истиқлол йилларида амалга оширилган улкан тарихий ишларни санаш билан бирга мустақиллигимизнинг муборак ўн иккинчи йилида олдимизда турган улкан вазифалар ҳақида фикр юритилади

«Мулоқот»нинг ушбу сонида Сурхондарёдаги йирик илм-фан даргоҳи Термиз давлат университети ҳаётидан лавҳалар берилган. Университет ректори, иқтисод фанлари доктори Хидирназар Аллақулов «Таълим ва давр талаби» мақоласида ушбу илм даргоҳида бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилади. Университет профессори Холмирза Холиёровнинг «Халқнинг мангу ифтихори» мақоласи буюк Алишер Навоий ижодидаги гўзал байтлар талқинига бағишланган бўлса, доцент Болта Ёриев «Бадиий сўз қудрати» мақоласида шоир Миртемир ижодида оддий халқ сўзларининг товланиб, чуқур маънодорлик касб этишини таҳлил қилган.

Журнал илмий, сиёсий мақолаларни ҳам ўқувчига тушунарли, улар ҳазм қила оладиган тилда беришга ҳаракат қилади. Шундай мақолалар жумласига Тўлқин Алимардоновнинг «Сиёсий ахлоқ моҳияти», Шомат Саматовнинг «Маданият — ижтимоий тараққиёт омили», Рашид Қулматовнинг «Самарали ҳамкорлик ва тараққиёт», Баҳром Тошмуродовнинг «Фарзанд камоли — Ватан жамоли» мақолаларини киритиш мумкин.

Абдуваҳоб Кўчқоровнинг «Обод маҳалла — менинг маҳаллам» рукни остида берилган «Маҳалла Ватандир» мақоласида халқимизнинг маҳалла бўлиб яшашининг илмий асослари, маданий мерос, ахлоқ-одоб, миллий қадриятлар ва урф-одатлар миллат учун, унинг обрўйи ва истиқлоли учун хизмат қилсагина қадрли эканлиги уқтирилади.

Журналнинг ушбу сони мавзу доирасининг ранг-баранглиги, мақолаларнинг ихчамлиги билан ҳам ажралиб туради. Адабиётшунос Бобоназар Муртазоев бобокалон шоир Мунжик Термизий ҳақида маълумот берса, тарихчи Дўсмамат Қулмаматов қадимги хонликлар даврида «девонбеги» лавозими, тилшунос Анвар Омонтурдиев она тилимизда мурожаат воситаларига тўхталади.

Кейинги саҳифаларда тиббиётимизнинг атоқли арбоби, академик Ўктам Орипов ҳақида Шуҳрат Абдураҳмонов батафсил ҳикоя қилади. Munaққид Муҳайё Ҳамроева ёзувчи Тўлқин Ҳайитнинг соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги «Турон тунлари» асари ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашган.

Ўйлаймизки, «Мулоқот»нинг ушбу янги йилдаги илк сони ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Журнал ўз номига мувофиқ иш тутиб, муштарийларни мулоқотга чорлайди.

Нормўмин ОЧИЛОВ,
журнал бўлим мудири

ИНТЕР-СПОРТ

Оғир вазнлиларни писанд қилмай

Ярим оғир вазнли боксчилар орасида жаҳон мутлақ чемпиони кичик Рой Жонс ажойиб ғалабага эришди. У халқаро бокс ассоциацияси раҳнамолигида оғир вазнли жаҳон чемпионлари билан ўтказиладиган учрашувда Жон Руисни мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, Рой Жонс оғир вазнли боксчилар билан ўтказиладиган баҳсда ғолиб чиққан иккинчи спортчи номини олди. 13 нафар ярим оғир вазнли боксчилар орасида биринчи марта ўзидан оғирроқ боксчилар билан курашган Майкл Спинкс 1985 йили муваффақият қозонган эди. Рой Жонснинг навбатдаги жанги муҳлисларда кутилмаган ҳолатлар камлиги билан яхши таассурот қолдирмаган бўлсада, бу учрашувни оғир вазнлилар орасида жаҳон чемпиони Леннокс Льюис юқори баҳолади. «Рой ажойиб боксчи, — дейди Льюис. — Унинг ютуғи чакки эмас. Бироқ у менга рўбарў келиб қолса, ана шундай ҳаракат қила олармикан? Ҳамма гап шунда».

«O'ZVAGONTA'MIR» OAЖ
акциядорлари диққатига!

Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 4 апрель куни соат 11.00 да «Локомотив» меҳмонхонаси биносида (Туркистон кўчаси, 7) ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. *2003 йил учун Бизнес-режани тасдиқлаш.*
2. *Кузатув Кенгаши таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан мувофиқлаштириш.*
3. *Жамият ижроия органи таркибини сайлаш. Ижроия орган раҳбарининг ваколатлари муддатини ўзгартириш.*
4. *Чет эл инвесторларини жалб этиш ҳақида.*
5. *Турли масалалар.*

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 110-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур
4
31
55
27
44
Сони: 1
Видеомагнитофон
Чипта рақами
20121874.3
2 Тур
87
47
21
11
67
26
12
19
14
65
52
76
56
71
23
62
50
7
Сони: 1
Мусиқа маркази
Чипта рақами
30001540.3
3 Тур
68
64
54
84
1
36
17
9
53
22
88
38
41
20
58
60
39
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
20169746.1
4 Тур
57
46
42
30
35
66
33
34
6
51
28
75
45
61
5
79
80
2
83
72
43
Сони: 2
Сумма: 4000000
Чипталар рақами
30052459.2
90117415.2
5 Тур
18
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
30108142.3
70041237.2
6 Тур
59
Сони: 3
Мусиқа маркази
Чипталар рақами
10036941.1
50103295.3
80067536.2
7 Тур
40
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
20029718.3
30075308.2
40056869.1
8 Тур
86
Сони: 4
Сумма: 2000
9 Тур
15
Сони: 3
Сумма: 1500
10 Тур
49
Сони: 4
Сумма: 1200
11 Тур
10
Сони: 6
Сумма: 1000
12 Тур
63
Сони: 8
Сумма: 900
13 Тур
89
Сони: 11
Сумма: 800
14 Тур
69
Сони: 11
Сумма: 700
15 Тур
73
Сони: 36
Сумма: 600
16 Тур
70
Сони: 40
Сумма: 500
17 Тур
37
Сони: 73
Сумма: 400
18 Тур
8
Сони: 91
Сумма: 300
19 Тур
77
Сони: 181
Сумма: 200
20 Тур
13
Сони: 264
Сумма: 100
21 Тур
90
Сони: 569
Сумма: 100
22 Тур
29
Сони: 887
Сумма: 100
23 Тур
48
Сони: 1095
Сумма: 100
24 Тур
74
Сони: 1890
Сумма: 100
25 Тур
78
Сони: 2621
Сумма: 100
26 Тур
25
Сони: 4671
Сумма: 100
27 Тур
85
Сони: 8342
Сумма: 100
Қўшимча тур
Сони: 250
Сумма: 300
Халтадан чиқмаган шарлар:
3, 16, 24, 32, 81, 82

«Ҳаҳзали Яхши Ният» телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами:
3, 16, 24, 32, 81, 82

Тўғри келганлар сони	Ютуқ сони	Сумма
4	1	1000000
3	41	1000
2	1388	300
1	15122	100

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003-йил 6-мартдаги 111- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

1 тур - ҳар бир ютуққа МУСИҚА МАРКАЗИ
2 тур - ҳар бир ютуққа 4Х5 ҳажмдаги ГИЛАМ
3 тур - MATIZ АВТОМОБИЛИ+МУЗЛАТГИЧ+КИР ЮВИШ МАШИНАСИ+ТЕЛЕВИЗОР+ВИДЕОМАГНИТОФОН
4 тур - MATIZ АВТОМОБИЛИ+МУЗЛАТГИЧ+КИР ЮВИШ МАШИНАСИ+ТЕЛЕВИЗОР+ВИДЕОМАГНИТОФОН
5 тур - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
6 тур - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
7 тур - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
8 тур - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
9 тур - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
10 тур - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
Ва қўшимча пул ютуқлари

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

«Беш-ёғоч универсал бозори»

очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йил якуни бўйича 2003 йил 15 мартда бўладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 13 февралдаги 1708-ф сонли фармойиши ижросини бажариш мақсадида киритилган қўшимча масалалар:

1. ***Жамият Бошқаруви раисини сайлаш ҳақида.***
2. ***Жамиятнинг 2003 йилги иш режаси (бизнес-план)ни тасдиқлаш ҳақида.***
3. ***Жамиятнинг Низом жамғармасини ошириш ҳақида.***
4. ***Жамиятнинг Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.***

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгаши Тайлоқ туман Кенгашининг биринчи котиби **Ҳамроқул ҲУШНАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.